

ISSN 2181-5291

PSIXOLOGIYA

ILMIY JURNAL

НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ

SCIENTIFIC JOURNAL

№ 4, 2020

www.psixologiyabuxdu.uz





PSIXOLOGIYA

ILMIY JURNAL * НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ

4-son 2020-yil. * Выпуск 4. 2020 год.

BOSH MUHARRIR – ГЛАВНЫЙ РЕДАКТОР:
BAROTOV SH. R.

Psixologiya fanlari doktori, professor.

Xalqaro Psixologiya Fanlari Akademiyasining haqiqiy a'zosi (akademigi)

Действительный член (академик) Международной Академии
Психологических Наук

**TAHRIR HAY'ATI – РЕДАКЦИОННАЯ
КОЛЛЕГИЯ:**

XAMODOVO.X.

Buxoro davlat universiteti rektori,
iqtisodiyot fanlari doktori, professor

SHOUMAROV G.^B.

(Bosh muharrir o'rinnbosari)

psixologiya fanlari doktori, professor
UMAROV B.M.

(Bosh muharrir o'rinnbosari)

psixologiya fanlari doktori, professor

KOZLOV V.V. (Rossiya)

psixologiya fanlari doktori, professor

MALI'X S.B.(Rossiya)

psixologiya fanlari doktori, professor

KOROBENYNIKOV I.A. (Rossiya)

Psixologiya fanlari doktori, professor

KARIMOVA V.M.

psixologiya fanlari doktori, professor

SAFOYEV N.S.

psixologiya fanlari doktori, professor

G' OZIYEV E.G^.

psixologiya fanlari doktori, professor

BEKMURODOV M.B.

sotsiologiya fanlari doktori, professor

QODIROV B.R.

psixologiya fanlari doktori, professor

JABBOROV A.M.

psixologiya fanlari doktori, professor

NISHONOVA Z.T.

psixologiya fanlari doktori, professor

IBODULLAYEV Z.R.

tibbiyot fanlari doktori, professor

BEGMATOV A.S.

falsafa fanlari doktori, professor

ABDURAXMANOV F.R.

Falsafafanlari doktori, professor

MUXAMEDOVA D.G.

psixologiya fanlari doktori, professor

QAHHOROV O.S. BuxDU ilmiy ishlar

va innovatsiyalar bo'yicha prorektori.

Iqtisodiyot fanlari bo'yicha falsafa

doktori (PhD).

MUHARRIRLAR – РЕДАКТОРЫ:

Usmanova M.N.–psixol.fan.nom., dot.

Muxtorov E.M.– psixol.fan.nom., dot.

Barotova D.Sh.–psixol.fan.nom., dot.

Raxmatova M.M.– filologiya fanlari

bo'yicha falsafa doktori (PhD),, dot.

TEXNIK MUHARRIRLAR – TEX.

РЕДАКТОРЫ:

Jamilova B.S, Ostanov Sh.Sh,

Rustamov Sh.Sh.

MAS'UL KOTIB – OTB.

CEKPETAPЬ

Sobirova D.A. Psixologiya fanlari

bo'yicha falsafa doktori (PhD).

**Мундарижса/Содержание/Contents**

	Шоумаров Г.Б., Кадыров У.Д.
3	Психологические аспекты защиты молодёжи от влияния деструктивных идей Psychological aspects of protecting young people from the influence of destructive ideas
	Козлов В.В., Огнева И.В.
10	Кризисологическая феноменология пандемии Crisis phenomenology of the pandemic
	Самторов Э.Н.
17	Компетенциявий ёндашувнинг юзага келиши: вазият, талаблар, ўзига хослиги The occurrence of a competency approach: situation, requirements, specificity
	Мелибаева Р.Н., Абдиназарова И.С.
25	Тиббий психодиагностика: муаммо, мулоҳаза ва ечимлар Medical psychodiagnostics: problem, reasoning and solutions
	Халбаева Г.А.
30	Проблемы подготовки детей к школьному образованию в современной психологии Problems of preparing children for school education in modern psychology
	Атабекова К.Г.
38	Оптимизация «предстартового состояния» спортсменов-каратаистов с применением психокоррекционной помощи Optimization of the "pre-start state" of karate athletes with the use of psychocorrective assistance
	Жумаев У.С.
44	Глобаллашув шароитида оммавий маданиятнинг жамият ҳаётига таъсирини ижтимоий психологик тадқики Social psychological research on the impact of mass culture on the life of society in the context of globalization
	Мехлиев М.Х.
53	Курсантларни ёш жангчи курсида мослашуви ва психологик кузатиб боришнинг ўзига хос жиҳатлари Adaptation of cadets in a young warrior course and peculiarities of psychological observation
	Содиқова Г.О.
58	Карор қабул қилиш муаммосининг психологик тадқикотларда қўлланилиши The application of decision making problem in psychological research
	Akbarov S.Y.
61	Shaxs ijtimoiylashuv jarayonlarining psixologik tavsifi Psychological description of individual socialization processes
	Сифаров Д.Х.
65	“Сотувчи-харидор” диадаси ўзаро муносабатларига таъсир этувчи омиллар Factors affecting the interaction of the "seller-buyer" diad
	Бахромов О.Т., Абдурасасулов Р.
70	Ёш футболчиларни ютукка эришишда мотивациянинг аҳамияти The importance of motivation in the achievement of young players
	Обидова Г.К.
74	Инглиз тилини ўқитиши жараёнида экологик таълимнинг педагогик психологик имкониятлари Pedagogical psychological opportunities of environmental education in the process of teaching English
	Султонов У.Б.
81	Харбий фаолиятда касбий мотивлар намоён бўлишининг психологик ўзига хосликлари Psychological peculiarities of the manifestation of professional motives in military activity
	Тўрақулов Б.Н.
85	Талабалар эмоционал интеллектини тадқиқ этишнинг психологик имкониятлари Psychological opportunities for students to study emotional intelligence
	Хакбердиев Н.С.
89	Кадрлар сиёсий маданият баркарорлигини таъминлаш зарурияти The need for ensuring the stability of political culture of personnel
	Шерматов Ф.Т.
93	Касбий зўрикишларни келтириб чиқарувчи ижтимоий-психологик омиллар Socio-psychological factors leading to occupational stress
	Рузиева Д.Н.
97	О влиянии социально-психологических факторов на качество деятельности преподавателей вуза



	On the influence of socio-psychological factors on the quality of University teachers' activities
101	Қаршиибоева Г.А. Ўсмирларда суицидал ҳулкни пайдо бўлишида ижтимоий функциялар бузилишининг психологик холатлари Psychological states of the violation of social functions in the emergence of suicidal behavior in adolescents
105	Худойбердиев И.Э., Қодиров С.С. Шахснинг йўналганлиги ва жамоавий психологик мухит Orientation of the individual and the collective psychological environment
110	Раджабова Ф.Р. Корхона ва ташкилотларда лидерлик компетенциясини ривожлантириш механизмлари Development of leadership competence in enterprises and organizations
115	Ражабова Ф.П. Вояга етмаганларнинг индивидуал–психологик ҳусусиятларни акс эттирувчи омиллар психодиагностикаси Psychodiagnostics of factors reflecting individual–psychological characteristics of minors
121	Музарифова Ф.Б. Ҳамкорликдаги таълим жараёнининг психологик йўналишлари Psychological aspects of the collaborative learning process
126	Сирлиев Б. Н. Ички ишлар органлари ходимларини касбий тайёргарлигини такомиллаштиришда психологик хизмат ва унинг тутган ўрни Psychological service and its role in improving professional training of employees of internal affairs bodies
130	Абдуқажхорова Г.А. Ўсмирларда девиант ҳулк-автор муаммолини ўрганишнинг психологик масалалари Psychological issues of studying the problem of deviant behavior in adolescents ИЛМИЙ МУШОХАДА
135	Haydarov Y.H. Psixologiya va tarixiy xotira Psychology and historical memory
137	Облоқулов А.Р., Тиллоева Ш.Ш., Ачилова Д. Н., Элмурадова А.А. Пандемия шароитида тиббиёт ходимлари орасида юзага келган руҳий муаммоларни ўрганиш Investigation of the mental problems encountered among medical personnel in pandemic conditions МЕТОДИКА / METHOD
143	Ostanov Sh.Sh. "Ijodiy qobiliyatlarni baholash so‘rovnomasi" (E.E.Tunik)
	ХОТИРА
144	Убайдуллаев А.
145	Абдурахмонов Ф.Р.

*Jurnal O'zbekiston Respublikasi
Vazirlar Mahkamasi huzuridagi OAK
Rayosatining 2013-yil 26-dekabrdagi
201/3-sonli qarori bilan psixologiya
fanlari bo'yicha dissertatsiya ishlari
ilmiy natijalari yuzasidan ilmiy
maqolalar chop etilishi lozim bo'lgan
ilmiy jurnallar ro'yxatiga kiritilgan.*

ISSN 2181-5291





2. Соломанидина Т.О. Мотивация и стимулирование трудовой деятельности: учебник и практикум для академического бакалавриата / В.Г. Соломанидин. – 3-е изд., перераб. и доп. – М.: Издательство Юрайт, 2018. – 240 с.
3. Орлова О.Е. Соотношение личностных черт и мотивации достижения у студентов. – М.: МНУ, 2005.- 166 с.
4. Листик Е.М. Мотивация и стимулирование трудовой деятельности: учебник и практикум для академического бакалавриата / Е.М. Листик. – 2-е изд., испр. И доп. – М.: Издательство Юрайт, 2018. – 290 с.



Туракулов Бури Норбоевич,
Тошкент вилояти Чирчик давлат педагогика институти “Психология”
кафедраси катта ўқитувчиси

ТАЛАБАЛАР ЭМОЦИОНАЛ ИНТЕЛЛЕКТИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ ПСИХОЛОГИК ИМКОНИЯТЛАРИ

Аннотация: Мазкур мақола талабалар эмоционал интеллектини тадқиқ этишининг психологик имкониятлари мавзусига бағишиланган. Шунингдек, мақола матнида талабалар эмоционал интеллектининг структураси, уни таъминловчи психологик асослар, эмоционал интеллекни таҳлил этишига доир психологик ёндашувлар, шахснинг интеллектуал ва индивидуал хусусиятлари ўртасидаги алоқадорлик жиҳатлар каби масалалар ҳам кенг ёритилган.

Калит сўзлар: Талаба, интеллект, эмоционал интеллект, ёш, таълим, психология, эҳтиёж, қизиқиши, эмпатия, шахслараро муносабатлар, юксак ҳислар, ҳиссий сезирлик, эмоция, эмоционал ҳолатлар.

Аннотация: Статья посвящена психологическим особенностям исследования эмоционального интеллекта студентов, а также описана структура эмоционального интеллекта студентов, психологическая основа, которая его обеспечивает, психологические подходы к анализу эмоционального интеллекта, взаимосвязь интеллектуального и профессионального потенциала.

Ключевые слова: Студент, интеллект, эмоциональный интеллект, возраст, образование, психология, потребность, интерес, эмпатия, межличностные отношения, высокие чувства, эмоциональная чувствительность, эмоция, эмоциональные состояния.

Annotation: The article is devoted to the psychological characteristics of the study of students' emotional intelligence, and also describes the structure of students' emotional intelligence, the psychological basis that provides it, psychological approaches to the analysis of emotional intelligence, the relationship of intellectual and professional potential.

Key words: Student, intelligence, emotional intelligence, age, education, psychology, need, interest, empathy, interpersonal relationships, high feelings, emotional sensitivity, emotion, emotional states.

Мавзунинг долзарбилиги: Маълумки, 17- 21 ёш оралиғи инсон ижтимоийлашув босқичининг етук палласи бўлиб, унда бир қатор психологик сифатлар, хусусиятлар, юксак ҳис - туйғулар, бурч ва қадриятлар тизими тубдан ўзгаради. Айнан худди шу ёш бочқичи, талабалик даврига тўғри келиб, уни таҳлил этиш шахс камолотининг кўплаб жиҳатларини очиб бериши эҳтимолдан ҳоли эмас. Агар биз талабани шахс деб олсан, унинг фаолияти тўлиқ ижтимоий ролларни ўзлаштириш жараёни билан характерланади. Демак, ушбу мавзуни ўрганиш учун бизда асос бор. Қолаверса, мазкур туркумдаги илмий тадқиқотлар мамлакатимиз психологияси учун ўзига хос янги илмий мактабларни яратиши имкониятини беради.



Тадқиқотчи М.А.Нгуеннинг фикрича, таълим жараёни талабалар шахси учун юксак ахлоқий ва эстетик хис –туйғуларни шакллантирувчи психологик омиллардан бири саналади. Яъни уларнинг хис – туйғулари фақат ўз манфаати учун эмас, балки жамият мафаатлари билан уйғунлашади. Касбий билим ва кўнималар асосида, талабалар ўз келажак йўлини танлай бошлайдилар шунингдек, меҳнат муносабатлари ҳақида тасаввурлари янада ортиб, фуқаролик ва касбий ролларни тўлиқ англай бошлайдилар[1,140].

Бундан ташқари, талабаларнинг эмоционал ҳолати кўпроқ уларнинг академик муваффакиятлари билан боғлиқ бўлиб, бундай муваффақиятлар замирида ҳар бир педагог ўқитувчиларнинг ўрни бекиёс саналади. Чунки, талабалар ҳар бир педагогга хос ақлий, хиссий, коммуникатив хусусиятларни ўзлаштира боради.

Таъкид жоизки, ҳар бир олий таълим ўқитувчиси нафақат интеллектуал жиҳатдан, балки шахслик фазилатлари жиҳатдан ҳам бошқалар учун намуна бўла олишлари шарт саналади. Таълим жараёни билан боғлиқ ҳамкорликдаги фаолият ўз мазмунида, ўзаро қадриятларга асосланган мулокот, таълим-тарбия беришдаги бағрикенглик, бошқалар кечинмаларига қаратилган эмпатик муносабатлар кабиларни ҳам қамраб олиши лозим саналади.

Моҳиятан, талаба сўзи лотинча сўздан олнган бўлиб, “ўқиш”, “меҳнат қилиш” каби маъноларни ангалатади. Яъни бу давр инсон томонидан янги билимларни ўзлаштириш босқичидир . Университетда ўқиш бир томондан яқинлар ва ота – онадан узоқлашиш бўлса, иккинчи томондан яшаш жойининг ўзгариши билан боғлиқ кечинмаларнинг юзага келиши билан характерланади. Мазкур икки омил ҳам талабалар эмоционал интеллекти динамикаси учун ўзига хос психологик шарт-шароитлардан бири ҳисобланади.

И.Н.Андрееванинг айтишича, талабаларнинг янги шароитларга мослашиши ва яқинларидан узоқлашиши, уларда ички низоларни пайдо этади, яъни эҳтиёжлар, қизикишлар ва интилишлар йўналишида тўқнашувлар юзага келади. Ички низоларнинг сабаби шуки, муаммога оид ечимларни танлашдаги қийинчиликлар ва янги мухитдаги талабларнинг ҳаддан ташқари юқорилигидир. Кейинчалик, ушбу муаммоларнинг ҳал этилиши организм учун мамнуният ва қувонч ҳисларини кечишини юзага келтиради [2,94]. Ҳа албатта, муаллиф назарида ички низоларнинг пайдо бўлиши бу янги ижтимоий мухит ва унинг талабалари билан боғлиқ. Шунингдек, ички низоларга муносабат ва уни енгиш шахсга хос индивидуал хусусиятлар турига ҳам боғлиқ саналади. Мисол учун, баъзи талабалар муаммоли вазиятларда тез ечим топсалар, баъзилар бундай имкониятдан мустасно саналадилар. Юқоридагиларлардан фарқли ўлароқ, И.С.Степановнинг таъкидича, ўқув фаолияти билан боғлиқ муваффақиятсизликлар талабаларда салбий хис – туйғуларнинг намоён бўлишини юзага келтиради. Салбий хис – туйғулар аста – секин кўпайиб, улар охир-оқибат умидсизлик туйғусини пайдо этади [3,96]. “Умидсизлик” – бу кенг маънода барча қийинчиликлар ва қарама-қаршиликларни ҳал қилишнинг ҳалокатли йўли санлади. Баъзида айрим талабаларнинг ўқишни ташлаб кетиши ва ўз жонларига қасд қилишлари ҳам айрим манбаларда келтириб ўтилган. Мазкур ҳолат кўпроқ, дунёқараши чекланаган, қўркоқликка мойил, экстремал вазиятларда ўзини ўзи бошқара олмайдиган талабаларда учрайди. Демак, талаба ўз хис-туйғуларини ҳар қандай шарт-шароитларда бошқара олишини ўргана бориши лозим саналади

В.В.Воловга томонидан олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, талабалар ўқув йилининг иккинчи босқичида хиссий-эмоционал жиҳатдан ўзи ўзи яхши англай бошлайдилар. Яъни уларда хотиржамлик юзага келиб, умидсизлик туйғулари анча камаяди. Чунки, талабалар бу босқичда ўз хис-туйғулари ва кайфиятларини тартибга солишда ўзига хос кўнималарга эга бўладилар. Шунингдек, уларнинг ижтимоий интеллектига алокадор хаётий тажрибаси, эмоционал интеллекнинг такомиллашувига кенг имконият яратади [4,93]. Демак, хаётий тажриба эмоционал интеллект ривожи учун ҳам ўта мухим саналади.

Н.А.Выскочилнинг фикрича, танқидий фикрлаш талабалар эмоционал соҳасини ривожлантиришнинг асосий шартларидан бири саналади. Айни шу даврда инсон касбий камолотининг пойдевори яратилади. Чунки, танқидийлик янгиликларга, янгиликлар эса, янги хис – туйғуларнинг юзага келишига сабаб бўлади [5,123].

Моҳиятан, ёшлиқ даври бу ўзига хос сезирлик даври саналиб, мазкур даврда инсон табиатига хос бўлган ҳис-туйғуларнинг барча кўринишлари такомиллаша боради. Бунга



асосий сабаб гурхий фаолият ва таълим-тарбия жараёнидаги юқори билим күнкималар хисобланади. Бандан ташқари, талабаларнинг эмоционал соҳасида нафақат объектив хислар (маълум бир воқеага, шахсга, ходисага йўналтирилган), балки умумлаштирилган хистайғулар ҳам шаклланиб боради (ижобий туйғулар, салбий туйғулар, ҳазил туйғуси, раҳамдиллик, самимийлик ва ҳоказо).

Илмий жиҳатдан олиб қаралганда, талабаларда эмоционал интеллектни ривожлантириш ишлари, касбий компетентлик ва ўз-ўзини ривожлантириш оркали ҳам амалга оширилади.

Биринчидан, юқори эмоционал интеллект, аввалимбор, эмпатия, коммуникатив бағрикенглик, ўзини ўзи англаш ва интилишлар даражасининг етарлилиги, ўзига ишонч ва академик қобилиятлар, ўз хис-туйғуларидан хабардор бўлиш, уларни бошқара олиш, шериларининг хис-туйғуларидан хабардор бўлиш ҳамда ўз кечинмаларини тартибга сола олиш қобилиятлари билан характерланади.

Иккинчидан, эмоционал интеллектнинг юқори даражасига эга бўлган талаба, бу, биринчи навбатда, ўз хаётини, касбий йўлини, ўз ҳиссий оламини чукур англай олган шу билан бирга, интроспекцияга (ички кузатувга) мойил ҳамда ўзини ўзи ҳар томонлама намоён қиласидиган шахсдир.

Тадқиқотчи М.М. Щаренкова психолог талабалар орасида эмоционал интеллект хусусиятларини аниқлаш борасида тадқиқот олиб борди. Натижада охир-оқибат эмоционал интеллектнинг ҳар бир таркибий қисмлари ривожини ҳамда эмоционал интеллектга хос умумий кўрсаткичларни аниқлади. Муаллифнинг хуласаларига кўра, психолог талабаларда “хиссиётларни англаш” бошқа йўналиш талабаларидан фарқли равишда, анча юқори кўрсаткичга эга. Бунга сабаб, ҳиссиётларни англаш ва таҳлил қилишдаги компетентлик хусусиятидир [6,4]. Яъни инсон ҳиссиётлари ва эмоционал соҳаси борасидаги билим ва кўнкималарнинг устунлигидир.

В.С.Юркеевич ўз тадқиқотларида психолог Р.Бар-ОН томонидан ишлаб чиқилган “эмоционал интеллект” моделининг ўзига хос алоҳида беш кичик турини таснифлашга ҳаракат қилди. Муаллифга кўра улар [7,10]:

- Ички интеллект – бу ўз хис-туйғуларини англаш, ўзига ишонч, ўзини ўзи хурмат қилиш, ўзини намоён қилиш ҳамда мустақиллик каби психологик унсурлардан иборат;
- Шахслараро муносабатлардаги интеллект – бу эмпатик муносабатлар, шахслараро муносабатлар тизими, ижтимоий масъулият каби хусусиятлардан иборат;
- Мослашишга нисбатан интеллект – бу муаммоларни ҳал қилиш, турли воқеликларни баҳолаш кабиларда намоён бўлади;
- Стрессни бошқаришга нисбатан интеллект – бу шахсга хос чидамлилик, салбий импульсларни енгиш ҳолатлари билан характерланади;
- Умумий кайфият – турли вазиятларга нисбатан организмнинг бир хил реакциялари яъни некбин типдаги инсонлар бунга мисолдир. Демак, юқорида келтирилган психологик таркиблар, эмоционал интеллект ривожланишини ва унинг барқарор кечишини таъминловчи омиллар хисобланади.

Қўйида назарий фикрларимизнинг исботи сифатида, талабалар эмоционал интеллекти ривожланишининг типик хусусиятларига оид амалга оширилган эмпирик тадқиқотимизнинг айrim натижаларидан намуналар келтириб ўтамиз.

Талабаларда эмоционал интеллект ривожланишининг индивидуал-типик хусусиятларини факторли анализ ёрдамида текшириш учун Дж. Равен томонидан ишлаб чиқилган “Прогрессив матрицалар яъни умумий интеллект” тести, Дж. Гилфорднинг “Социал интеллектни ўрганиш хусусиятлари” сўровномаси, Н. Холлнинг “Эмоционал интеллект хусусиятларини ўрганиш” сўровномаси ва Люсина томонидан ишлаб чиқилган “Умумий эмоционал интеллект кўрсаткичлари” каби сўровномалардан фойдаланилди. Факторли таҳлил шундай статистик кўрсатгички, тадқиқотда кўлланиладиган методикалар ёки сўровномалар шкалалари биринчи факторда юқори вазндан шкалалар борлиги ёки ортиқча шкалаларни ва тадқиқотда кўзланган мақсадга эришишда юқори натижани аниқлашда имкон берадиган статистик мезонлардан бири саналади. Қўйида келтириладиган жадвалда Чирчик давлат педагогика институтида таҳсил олувчи талабаларнинг умумий ва социал интеллект кўрсаткичлар омилларини ўрганиш каби сўровномаларидан олинган натижаларнинг факторли таҳлил кўрсаткичлари келтирилган.



Жадвал № 1.

**Умумий ва социал интеллект сўровномалари бўйича олинган факторли анализ
кўрсаткичлари**

Шкалалар	Компонентлар			
	1	2	3	4
Умумий интеллект	-0,082	0,221	0,860	-0,304
Мулоқот иштирокчисининг фикрларини тушуниш	0,738	0,330	0,129	-0,308
Новербал хулқ-атворни тушуниш	-0,016	0,685	0	0,699
Вербал экспрессияни тушуниш	0,715	-0,401	-0,241	-0,057
Шахслараро ўзаро таъсир	-0,176	-0,724	0,432	0,425
Социал интеллект	0,843	-0,065	0,266	0,391

Тадқиқотдан олинган натижалар шуни намоён қиласди, Чирчик давлат педагогика институти талабаларининг прогрессив матрицалар, яъни умумий интеллект ва социал интеллект диагностикаси кўрсаткичларини ўрганиш сўровномалари натижалари ва улардаги ўзаро индивидуал-психологик хусусиятларни қай тарзда йўлга кўйилишини белгилаб берувчи механизм саналади. Синалувчилар натижалари факторли анализ бўйича кўрсаткичлар 4 та факторларга бирлашди. Биринчи шкалани ташкил этган психологик факторлар: мулоқот иштирокчисининг фикрларини тушуниш 0,738, вербал экспрессияни тушуниш 0,715 ва социал интеллект 0,843 каби натижалар билан ўзаро фарқланди. Иккинчи шкалани ташкил этган психологик факторлар: новербал хулқ-атворни тушуниш 0,685 ва шахслараро ўзаро таъсир 0,724 натижа билан алоҳида характерланади. Учинчи шкалани ташкил этган психологик омиллар: умумий интеллект 0,860 ва шахслараро ўзаро таъсир 0,432 даражага билан қайд этилди. Тўртинчи шкалани ташкил қилган психологик бирликлар: новербал хулқ-атворни тушуниш 0,699 ва шахслараро ўзаро таъсир 0,425 каби психологик хусусиятлар билан фарқланди. Синалувчиларнинг тўплаган қийматлари тўртта факторларга бирлашганлиги ва бу факторлар сўровномадаги асосий қийматлар ва аҳамиятли фарқларни белгиловчи асосий хусусиятларни ташкил этмоқда.

Юқорида таҳлил этилган барча назарий ёндашувларнинг олий мақсади битта, яъни эмоционал интеллектнинг ҳақиқий моҳиятини очиш, керак бўлса уни ривожлантиришнинг психологик, педагогик шарт – шароитларини аниqlашdir. Хулоса қилиб айтганда, эмоционал интеллект кўплаб когнитив жараёнлар, иродавий сифатлар, рефлексив жараёнлар, ижтимоий –психологик сифатлар, мулоқот унсурлари кабилар билан узвий боғлиқ саналади. Шунинг учун ҳам эмоционал интеллектни тадқиқ этиш ўзига хос мураккаб вазифа саналади.

Адабиётлар:

- Нгуен М.А. Роль эмоционального интеллекта в становлении личности студента-профессионала / Нгуен М.А. //Профессиональное образование. Столица. - "Новые педагогические исследования". № 5, 2007. – С. 137-140.
- Андреева И.Н. Гендерные различия в сфере эмоционального интеллекта // Материалы Междунар. междисциплинарной научно-практ. конф., 19-20 декабря г. Минск, 2003 . – С. 94-102.
- Степанов И.С. Психологические условия формирования эмоционального интеллекта личности. Диссертация. 2010. – С.73-80.
- Волов В.В. Инновационный подход к исследованию базовых механизмов эмоционального интеллекта // Актуальные проблемы психологического знания. 2016. № 3. - С. 93-102.
- Выскочил Н.А. Детерминанты уровня эмоционального интеллекта // Казанский педагогический журнал. – 2009. - №11-12. – С. 123-129.
- Царенкова М.М. Эмоциональный интеллект: от иерархических моделей к представлению о единой когнитивной способности // Психологические исследования: электронный научный журнал. 2014. № 37. - Т.7. - С. 4-10.
- Юркевич В.С. Проблема эмоционального интеллекта. // Практическая психология образования, 2012, № 3 (4) июль- сентябрь, - С.10-16.